

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

● БАҲОСИ ЭРКИН НАРХДА ●

Азиз болакай! Бугун сен яна мактабга — келажагинг йўлини ёритувчи масканга қатнай бошладинг. Сенинг ким бўлиб улгайишинг, мурфак дилингда бугун қай туйғулар гунча очиши, асосан, сен қадам қўйган ушбу масканга, у ерда одамийлик илмини ўргатувчи устозларингнинг одамийлигига боғлиқдир.

Болакай, сен нигоҳинг қардалган олис-олис манзиллардан не муддао, не синоат ахтараяпсан. Истиқлолга эришган озод Ватанингнинг келажаси учун сен ҳам масъул эканлигингни ҳис қилясанми?! Ҳеч бўлмаганда, оёқларинг остида бўй чўзаётган майсаларнинг инграшини эшитяпсанми?!

Балли! Сен ҳали кўп нарсаларга масъул бўлишингни унутма.



Ҳ. САИДОВ сурати

УШБУ
СОНДА:



БИРИНЧИ
РАҚАМЛИЛАР

7-БЕҒ

ТўЛҚИН ТОЖИЕВ:

БАХТ — ЮРАК ТУБИДА
АЛЛАЛАНГАН ОРЗУ

8-БЕҒ

● КЕЙИНГИ СОНЛАРДА: ●

МИРЗА ХОЛМЕДОВ:

БИЗДА УЙ ҲАМ, КЎЧАЯМ ХАНДОН

ТУРСУН АЛИ МУҲАММАД:

ҚЎРҚОҚЛАРДАН ҚЎРҚАМАН

Урушдан кейинги қийинчилик йиллари. Ёзининг жазираси иссигини сал тафти пасайган, кечки ёқимли шаббода эса бошлаган маҳал Абулқосим каттани девор дармиён қўшниси ҳовлида ивирсиб юрса, «каттанининг қаттиқ овозда кимгадир гапираётганини эшитиб қолибди.

— Менга қара, хотин, ҳалиги янги сўйилган қўшнинг қовургасини кўшиб биқин еридан чолиб олгинда совуқ сувга солиб кейин ўт қала. Чунки, «гўшт ейман десанг қайноқ сувга сол, шўрва ичман десанг совуқ сувга сол» деган гап бор, уқдингми? Бир қайнағач, палла қилиб тўғралган сабзи билан пиёз ташла. Кут, яна бир қайнасин. Энди шолғом билан қалампир сол, Жамбилнинг бир боғламини тозалаб ташла. Оловни пасайтир, лиммиллаб қайнасин. Хўш деганиздан билсақ навбат картошка билан зирavorга келди. Ҳа, балли. Оловни яна ҳам торт, номигагина ёнса бўлди. Бара-

калла, шўрвани қирқ бир марта шопирсанг шўрважон бўлади. Эҳ, қанақа аёлсан, мен айтмасам туз солмайсанми?! Бу кетишда мени ҳам ўзингга ўхшатиб тузсиз қипқўйсан. Бўлди пишди.

Қўшни уйига кириб битта коса олиб, нарвонни ўртадаги деворга қўйиб ҳовли ўртасида қўлида қанақадир қоғоз ушлаб турган Абулқосим акага қараб, олдин йўталиб олиб сўнг секин йўталибди. Абулқосим ака йўтал овозидан ўзига келиб қараса қўшниси қўлида коса билан кўзларини мўлтиллабди:

— Қўшни, иложи бўлса ҳалиги шўрвадан бир косагина берсангиз, худо хоҳласа яхши кунларда қайтарарман, — дермиш.

— Э, қўшнижон, шўрва қаёқда дейсиз, янги ролни ёдлаяпман, — дебди.

Турсун Али МУҲАММАД



Даврон АҲМАД сурати

ЕТТИ КУН

КЕЛИН-КУЁВНИНГ ИСМЛАРИ

Чортоқда тўй бўлди, тўй бўлгандаям зўр бўлди! Одатдагидек, келин куёв ўтиргич жойига гилам илиниб, ароқ ва қадаҳ сурати чизилмади. Икки ёшнинг исми янгича — лотин алифбосида ёзилди: «Ҳар хил шишалар» жаранги эшитилмади. Меҳмонлар ҳам, мезбонлар ҳам хурсанд тарқалишди.

ТИЛЛО СУВИ ЮГУРТИРИЛГАНМИ

«Эшовига қараб тушови» деганлари рост экан. ЦУМга ўтиш йўлида сотилаётган «Бизнесменларнинг юридик изоҳли луғати» номли ўрисча китобнинг баҳоси 25 минг рубллиги ҳам рост. Бироқ, бу китобнинг сотилиши сотувчисини ташвишлантIRMаса керак. Чунки яна ўшу гап. «Эшовига қараб...»

«УМУМИЙ ПОЕЗД»

«Умумий вагон» борлигини билардик. Бироқ, «умумий поезд» ҳам йўқлигига йўқ, деб жавоб берсангиз, адашмайсиз. Ва фиркингизни «66-Тошкент-Китоб» поездига чиқиб исботлашингиз мумкин. Чунки бу поезд ҳозир «лиқ тўлиб» ҳатто, вагон йўлакларига ҳам одамлар «кетиб» қатнамоқда.

«ДАРРОВ ТЎЙ ЖЎНАТИНГ!»

СамДДАгa тестдан мувафақиятли ўтган талаба қувончдан уйига Чироқчига /таксида борди. Ва ҳаяжондан ота-онасига «фалончини қизига дарров тўй жўнатингизлар!» /совчияммас /деб юборди.

ЎТГАНЛАРНИ ЁД ЭТИБ

М. Улугбек тумани ижтимоий таъминот бўлими томонидан ташкил этилган «Лаззат» қаҳвахонасидаги меҳнат фахрийлари, уруш қатнашчилари, Афғонистонда ҳалок бўлган аскарлар оиларининг машварати Мустақилликнинг 2 йиллигига бағишланди. Аммо, хонанда бу билан қаноат қилмади ва хизмати учун тағин бир милён рубл сўради. Умрида бу миқдор пулни ушлаб кўрмаган тўйбон ҳушидан кетди-қолди...

ТЎЙБОН ҲУШИДАН КЕТДИ...

Воқеа Хоразмининг кўҳна Ширшоли қишлоғида рўй берди. Тўйга яқинда муқаддас Ҳаж сафаридан қайтган халқ артисткаси ташриф буюрганди. Элнинг саҳий кишилари тўй эгасига ёрдам бўлар, деб отарчи аёлга юз эллик минг сўм пул қистиришганди. Аммо, хонанда бу билан қаноат қилмади ва хизмати учун тағин бир милён рубл сўради. Умрида бу миқдор пулни ушлаб кўрмаган тўйбон ҳушидан кетди-қолди...

ВОКЗАЛГА КИРИШ 10 РУБЛ

Самарқандда шундай. Мабодо вокзалга кирмоқчи бўлсангиз 10 рубл тўлашингиз керак. Ва ичкарида маза қилиб дам оласиз. Вокзал ичи топ-тоза, ҳар тонг супирилиб-сидирилиб туради.

ҲУКМ ҚАТЪИЙ — ВАРАҚЛАНМАСИН!

Янги газет сотиб олмақчисиз. Бемалол олаверинг, фақат... варақламасдан. Чунки сизни тик турган ҳолатда ўқиб қўйишингизни яхши билган дўкончилар буни қатъий таъқиқлаб қўйишди. Мухбиримиз ҳайрон: бу газеталар бўш чиқаётганидан даракми ёки дўкончилар уддабуронлигидан!

МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ

М А А — Т Т Л — Л У У Ў — Б А А А !

I
Матлуба, кечир мени. Сенинг нигоҳингизни бир сония бўлса-да, унутолмаяпман бугун. Ғала-ғовур шаҳар оқими билан қаён бормай, сенинг маънос чехранг кўз ўнгимда намоён бўлаверди. Бу не синаот Матлуб? Наҳотки, яна севдим?

II
Матлуба, поездда менга сўйлаб берганларинг: «Муҳаббат нима ўзи? Ишқи ёлгон дунё — бу дунё». Сенинг далли девоана сўзларинг дилим асир этганди Матлуб. Мен севиб қолишга, ишқини қўнгли етим қизни севиб қолишга ишонмасдим Матлуб.

III
Сен билан хайрлашдик. Мен эса ишқий мактублар ёздим. Мактублар. Дил ҳасратларим тўқилган мактублар ёнганида, жисмим ўт бўлиб ёнди Матлуб. Қорага бўлаб ташланган қоғозлар ичидан ҳарфлар, сенинг номингни ёзди. Само тўла юлдузлар номингни неча ёзиб, неча ўчирдилар. Хотиримда тикланган муҳаббат сўзи неча бор эскириб, неча бор янгиланди. Лек дил яраси битмади Матлуб.

IV
Дунёи дунини қора қилган тўйга чорлов қоғози. Ёногимга қўйилаётган армон

ёшлари мени Ишқи йироққа томоқ бошлайди.

V

— Матлуб, юр кетамиз?
— Қаёққа?
— Билмадим.
— Нега келдиз?
— Кўргим келди, Матлуб.
— Кимни... Тўйинми?
— Йўқ, сени... Қўй, менга бундай қарама, одамлар кўришади.
— Одамлар? Нима қипти кўришса? Чиройлиманми?
— Ҳа, Матлуб. Худди эртақлардаги маликаларга ўхшайсан.
— Маликаларга? Жим-

житлик маликасига ўхшайманми?

— У қанақа малика, Матлуб?
— ...
— Чиройли экан.
— Ким?
— Куёв...
— Ҳа, машинаси ҳам бор, жуда бой яшади.
— Бахтлисан Матлуб.
— Бахтлиман, ишқисиз, кўнглисиз бахтлиман. Совуқ, ҳеч нарсани идрок этолмаётган, тош жисмим билан бахтлиман.
— Хайр!.. Мен кетдим.
— Мен-чи?
— Сени гўшанга кутаяпти.

Чимилдик. Пар тўшақлар тахланган тахмон сенга бахт ваъда қилаяпти.

— Яна келасизми?
— Йўқ. Сенга жисмидан айри тушган Рухим билан Юрагимни ташлаб кетаман. Рухим — юрар йўлларингга поёндоз, Юрагим — бир умрга гўшанга соққиси бўлсин. Хайр!..
— Хайр!..

VI

Бугун Тошшаҳар кўчаларини бузиб ҳайқиргим, Матлуба деб ҳайқиргим келади: Маат-тлуба. М А А — Т Т Л — Л У У Ў — Б А А А !

Одамлар «мушук ҳам текинга офтобга чиқмайди», деган мақол тўқишганмиш. Бу бекорчи гап бўлса керак, деб ўйлайман. Масалан, шахсан мен ҳар кун томага чиқиб, офтобда исинаман, лекин бунинг эвазига ҳеч кимдан ҳақ талаб қилган эмасман.

Томда ётиб, баъзан узоқ-узоқларга термулиб қоламан. Ер юзи поёнсиз дейишади. Бу гапга ишониб учун дунёга томдан туриб қараш керак экан. Мен атрофни яхшилаб кўздан кечириб чиққанымдан кейин, ер юзи мана

ладими. У вопира-воп деб менга ташланган эди, ўзим сичқон бўлиб кетдим-ку.

Тандирнинг ёнида чети синиқ сопол тоғора тўнтариглиқ турарди, ўқдек учиб бориб ўшанинг тагига кириб олдим. Олапар тирқишдан тумшугини суқиб, бир-икки марта ириллаб кўйди-да, кейин орқа оёқлари билан тоғоранинг устига тупроқ чангита бошлади. Итлингиз кўзимай ўлгур-ей!

Олапар қайтиб кетгандан кейин дунё бирдан жимжит бўлиб қолди. Шунда тоғора остида бировнинг пиш-

МУШУКЧАНИНГ ҲИКОЯСИ

шу томага қараганда камида ўн беш марта катта бўлса керак, деб ўйлаб кўйдим. Ўн беш марта-я!

Томда ётишнинг яна бир фойдали томони шундаки, бу ердан ҳовлининг ҳаммаёғи кафтдек кўриниб туради. Масалан, кеча мўрининг ёнида ётиб, тандир остидаги кавакдан алланарсанинг пилдираганча чиқиб келаётганини пайқаб қолдим. Мундоқ қарасам, кап-катта бир Сичқон уялмай-нетмай калиш чайнаб ўтирибди. Жаҳлим чиққанидан думим хода бўлиб, жунларим хурпайиб кетди, мий-ёв!

Вағиллаганимча ўзимни томдан ташладим. Ҳалғи калишхўр нонуштани тўхтаб жуфтакни ростлаб қолди. Унга етиб олиб, эндигина таппа босаман деб турган пайтимда, олдимдан ер югур Олапар чиқиб қолса бў-

пиш нафас олаётгани эшитилди. Қарасам, бир чеккада хансиреганча халиги Сичқонбой турибди. Олапардан кўрқиб кетиб, у ҳам тўғри шу ёққа қочган экан. Донишманд бобом «нодон қаршингда турган бўлса, сен ақл билан иш кўр», дер эдилар. Гўштидан калиш ҳиди анқиб турганини ҳисобга олмаганда, ёғлиқина Сичқон экан, маза қилиб едим.

Вой, нодон Сичқон-ей, бошқа жой қуриб кетгандек, келиб-келиб тоғоранинг тагига беркинганини қаранг. Каллаварам-да. Билмайдикки, ер юзи мана шу синиқ тоғорага қараганда камида минг марта катта.

...Оғайни, сен ҳам ер юзини ўзингча ҳеч чамалаб кўрганмисан?

Анвар ОБИДЖОН

ҚАТРА ХАНДАЛАР

— Вой худойим, бунчалар тошбақа қадамсан-а, ўғлим. Овқатланшида ҳам, ювинишида ҳам, уй ишларини бажаришида ҳам доимо имиллаганинг имиллаган. Биронта ишни тезлик билан бажара ола-санми, йўқми?

— Бажара оламан, ойижон. Мана масалан мен жуда тез чарчаб қоламан.

эди?

— Унта.

— Қойил, бундан чиқди, қолган тўққизтасини тўғри ишлабсан-да?

— Қолган тўққизтасига, дадажон, умуман тушунганим йўқ.

* * *

— Нима бўлди, ўғлим, бугун ҳам йқитувчинг менга қўнғироқ қилиб, устингдан шикоят қилди,— деди онаси ўғлига.

— Алдаянсиз, бунақа бўлиши мумкинмас, ойижон. Ахир мен бугун умуман мактабга бормадим-ку.

* * *

— Марио, яна балчиққа ағанаб, кийимларингни иф-

лос қилиб келдингми?

— Кечирасиз, ойижон. Мен балчиққа шунчалар тез ағабай тушдимки, кийимларимни ечишга улгуролмай қолдим.

Олмон тилидан Мавлон ЙУЛДОШЕВ таржимаси.

ҚУРҚМАНГ, ДАДАЖОН

Ярим тунда кўрқиб уйғонган бола дадасидан сўрабди:

— Дадажон, шу ерда мисиз?

— Ҳа.

— Кўрқманг, мен ҳам шу ердаман.

* * *

Кўнғироқ жиринглагач, бола гўшакни кўтариши билан, отаси, онаси ва опаси хитоб қилдилар:

— Отам йўқ, де.

— Онам йўқ, де.

— Опам йўқ, де.

— Холажон мен ғирт етимман,— ноилож жавоб берди бола.

Тожиқ тилидан
Соҳиб КАМОЛ таржимаси

ҲАБИ РАҲМАТ

КИМГА НИМА!

Дадам тоғди сизирни мен қутулдим боқшидан. Опам хурсанд ўзича, қутулди-да соғишдан. Укаларим нолишди, ахир сўтсиз қолишди.

ТИЛИМИЗНИ БИЛМАЙДИ

Йўлбарс юрар қафасда
Кўрдик дадам, мен, Ғайни.

Ҳазиллашар дадамлар

— Ишлар қалай оғайни?

Йўлбарс парво қилмайди
Укам секин жилмайди:
— Африкадан келган у,
тилимизни билмайди.

КҮЧАТ

Кўчат эқдим
дадам хурсанд
боқди дили.
тоғ бўлиб,

Назаримда
битта ниҳол,
кўринарди,
боғ бўлиб.

ЎРТОҒИМ

Ҳусанжонни мақтаб дерлар:
эсли, ҳушли, одобли.
Ерданини аямас ҳеч
қилган иши савобли.
Қувонаман мана шундай,
мақтов эшитган чоғим.
Ахир нега қувонамайин
Ҳусан менинг ўртоғим.

УЧ ҲҲКИЗ

ридан чиқардилар, лозим кўрсанглар мен шўрпешонани ўзларингга шерик қилиб олинглар.

Ҳўкизлар йўлбарснинг бу гапидан қувониб кетишибди. Улар йўлбарс билан дўст тутишиб, аҳил ва иноқ яшай бошлабдилар. Йўлбарс ҳўкизларни турли йиртқичларнинг ҳужумларидан ҳамоя қилибди.

Қунлаодан бир кун йўлбарс қўнғир ва ола ҳўкизга сал нарироқда ўтлаб юрган қора ҳўкизни кўрсатиб дебди:

— Оғайнижонлар, пайқаянсизларми? Шу кунларда қора ҳўкиз жудаям манман бўлиб кетяпти-да. Серўт жойларда фақат ўзи кавиш қайтариб юради. Сизларни чақирини ҳам, манзират қилиши ҳам йўқ. Бир таъзирини бериб қўйсам, нима дейсизлар?

— Гапинг рост, йўлбарс-вой. Қора ҳўкиз жуда ҳам ўзбилармон бўлиб кетибди. Майли, адабини бера қол! — дейишибди қўнғир ва ола ҳўкиз.

Йўлбарс шу заҳоти қора ҳўкизни тилка-пора қилиб ташлабди.

Бир неча кундан кейин йўлбарс ола ҳўкизнинг олди-га келиб, аянчли овозда дебди:

— Эҳ, оғайни-я, оғайни. Қўнғир ҳўкизга бир қара,

би-ир қаранг! У ҳам қора ҳўкизнинг ўзи-я. Фақат ўзини ўйлайди. Нима қилай, унинг ҳам адабини бериб қўяйми?

Йўлбарс ола ҳўкизнинг жавобини эшитмаёқ қўнғир ҳўкизни пок-покиза қилиб туширишга тайёрлаб қўйибди. Кейин ола ҳўкизни ёнига чақирибди:

— Қани бу ёққа кел-чи, тентак. Энди сенинг ҳам гўштинингиз мазасини тотай.

— Бу нима деганинг? — дебди ола ҳўкиз қалтираб. — Мен ахир ҳеч кимга ҳалал бермаётган бўлсам. Оғайни ҳам ўз оғайинини ейдими?

— Эҳ, нодон, нодон! — қулибди ҳайвонлар шоҳи. — Ҳала ҳам ақлинг кирмабди-да. Гўшт еб кун кўрувчи ҳайвонни ўт еб кун кўрувчи ҳайвон билан эл бўлганини қайси замонда кўргансан ўзи? Бунинг устига жонзотлар шоҳи бўлсам, ов овлашда ус-таси фаранг бўлсам. Бунга ўзинг ҳам гўвоҳ бўлдинг-ку, ахир: тўққиз оғайини бас келолмаган уч ҳўкизни бир ўзим эпласам-а...

Ола ҳўкизга йўлбарснинг гапларини охиригача эшитиш ҳам насиб этмаган экан...

Абдурахмон АКБАР таржимаси



ЮРТИМИЗДА ШОДИЕНА

Суратчи: Р. АЛЪБЕКОВ

Нух алайҳиссалом Машриқдан Мағрибгача барча халойиққа пайғамбар эдилар. Бир қарич ер ҳам аҳолидан холи эмасди. Озгина ердан уч юз бонлик билан бирга Тангрини ёдлағувчи одам эди. Ҳазрат Жаброил пайғамбарлик хабарини келтиргач, Нух халойиқни имонга даъват этади. Аммо узоқ йиллар уринсалар-да, саксон кишигина мусулмон бўлди. Қолган кофирлар Нухни масхаралар, урар, ҳақоратларди. Тоқати тоқ бўлган Нух Худога муножот қилиб, дедилар:

НОСИРУДДИН РАБҒУЗИЙ:

НУХ АЛАЙҲИССАЛОМ ҚИССАСИ

вақтидагидай ободонлик энди қиёматгача бўлмайди. Аммо мана шу фаровонлик билан бирга Тангрини ёдлағувчи одам эди. Ҳазрат Жаброил пайғамбарлик хабарини келтиргач, Нух халойиқни имонга даъват этади. Аммо узоқ йиллар уринсалар-да, саксон кишигина мусулмон бўлди. Қолган кофирлар Нухни масхаралар, урар, ҳақоратларди. Тоқати тоқ бўлган Нух Худога муножот қилиб, дедилар:

— Эй, Аллоҳ, ер юзиде бирорта ҳам кофирни тирик қўйма.

Ниҳоят Нухга хитоб қилди: «Дуо-ингни ижобат қилдим, бориб чинор дарахта эк». Нух бориб дарахт экилар. Қирқ йилда учта дарахт кўкарди. Уни кесиб олдилар. Ҳазрат Жаброил сувада сузиб юрган урданни кўрсатиб, Нухга ўхшаш кема ясашни даъват қилдилар. Нух алайҳиссалом кема йунишга киришдилар. Кофирлар эса ҳамон уни масхаралар эдилар:

— Ҳозиргача пайғамбар эдинг, энди дурадгор бўлибсан-да! Кемани уч қават қилиб қурдилар. Биринчи қаватда мол ва йилқилар, ўртасида Нух узининг Сом, Хом, Ефас ва Канъон исмли ўғиллари билан бирга, тепасида эса қушлар ва ҳайвонлар жойлашди. Кеманинг узунлиги минг икки юз қари, эни одти юз қари, баландлиги олти юз қари эди. Тўфон хабари келган пайтда Нух мусулмон бўлган саксон киши билан кема ичига кирдилар. Уғилларидан учтаси мусулмон, аммо Канъон кофир

эди. Шу сабабли уни кемага киритмадилар. Нух уни мусулмонликка ҳар қанча даъват қилмасин: «Мен тоғлар чўққисига чиқиб кетаман, улар мени тўфондан асрайди», деб қабул қилмади. Аммо сув кўтарилганда тоғларнинг учи ҳам кўринмай кетди. Канъон ҳам барча кофирлар билан бирга ҳалок бўлди.

Ривоят қилишларича, қирқ туну кун ёмғир ёғди. Ёмғирнинг ҳар қатраси

билан беркийтиб, хотиржам бўлдилар. Шундан сўнг олти ой сув ичида юрдилар.

Кемадан чиқиш вақти келганида, илон Нух алайҳиссаломдан ваъдаларини бажаришми сўради.

Нух алайҳиссалом арини чақириб буюрдилар:

— Бориб ҳар жонзотнинг гўштидан татиб кўр, қайсинининг гўшти ширин бўлса, илонга берайлик.

УЗУМ ҲИКОЯСИ

Ривоят қиладиларки, Нух алайҳиссалом кемага барча ўсимликларнинг уруғларидан олдилар. Аммо узумнинг уруғи топилмади. Чунки Шайтон уни ўғирлаб қўйган эди. Ҳамма ҳайвонлардан сўраб чиқдилар. Ҳеч қайсиси билмади. Охири, Шайтонни саволга тутдилар:

— Узумга уч марта сув қуйишни менга топширсангиз, топиб берман,— деди Шайтон.

Нух алайҳиссалом бу шартни қабул қилдилар. Шайтон узумнинг уруғини топиб берди. Кемадан қуруқликка чиққанларидан кейин барча уруғлар қатори узумни ҳам экидилар. Уни дастлаб Шайтон уч марта суғорди: аввал тулкининг қони билан, кейин шернинг қони билан, охири тўнғизнинг қони билан. Айтишларича, шу сабабли узум шарбатидан чоғир тайёрланадиган бўлди. Кимки, уни ичса аввал тулкига ўхшаб жилпанглайди, кўрмаган кишилари билан дўст бўлиб кетади. Бир оздан кейин шердек бўлиб, ҳиммати жўш уради. Бор нарсасини сахийлик билан улашади. Ниҳоят, Тўнғиздек доворак бўлиб, ҳеч ишдан қайтмайди. Кўп ёмон ишларга кўл уради. Буларнинг ҳаммаси Шайтон берган сувнинг натижасидир.

Нух алайҳиссалом ҳам Шайтондан сўнг узумга икки марта сув бердилар. Бири беҳишт¹нинг занжабил² сувидан эди. Ундан шинни пайдо бўлди. Иккинчиси салсабил³нинг суви эди. Ундан сирка пайдо бўлди. Бу нарсалар ҳар кимнинг уйида бўлса, бу уйдан ҳаргиз фаришта аримайди, дейдилар.

¹ Беҳишт — жаннат, тирикликда қилинган савоб ишлар учун нариги дунёда Аллоҳ томонидан ато этиладиган ноз-неъматга тўла жой.

² Занжабил — жаннатдаги чашма суви.

³ Салсабил — жаннатдан олинган покиза; тиниқ сув.

Нашрга тайёрловчи

Носир МУҲАММАД

● Аҳмад ЯССАВИЙ ●

ҲИКМАТ

*Ошиқликни даъвосини қилган киши,
Маъшуқидан зарра гофил бўлгани йўқ,
Ишқ гавҳари тубсиз дарё ичра пинҳон,
Жондин кечмай ул гавҳардин олгани йўқ.*

*Гавҳар олур гаввос агар жондин кечса,
Шайдо бўлиб ишқ шаробин ҳар ким ичса.
Неча ойллар, неча кунлар агар ўтса,
Ишқни гули очилиб ҳаргиз сўлгани йўқ.*

*Ошиқ бўлиб топаё десанг Ҳақни йўлин,
Асрагин сен ишқ боғида асрор гулин,
Меҳнат билан синар эрмиш яхши қулин,
Чин ошиқни ондин кўнгли қолгани йўқ*

*Меҳнатни дарёсида мавж ургуси,
Илму амал, қилу қоллар шавқ ўлгуси,
Бу тенгизга ким кирибон ким чиқгуси,
Ошиқ қуллар маъшуқидин қолгани йўқ.*

*Қул Хожа Аҳмад қабул қилди аймоғлиғлиқни
Қабул қилди ишқ ўтига куймоғлиқни,
Жонин бериб сотқун олди куймоғлиқни,
Чин сўзүмдир, ҳаргиз они ёлғони йўқ.*



С. МАҲКАМОВ сурати

Маслаҳатлар

БАДАН ВА ОВОЗНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Ҳар кимнинг бадани мулоим бўлса, фаҳму гидрокли, табиати латиф, ўзи озода бўлади. Ҳар кимнинг бадани қаттиқ бўлса, бақувват, аммо бетамиз ва бефаҳм бўлади.

Ҳар кимнинг териси нафис ва мулоим бўлса, яхши феълли ва хуш сифатли бўлади.

Кимнинг овози баланд ва йўғон бўлса, ботир бўлади. Овози мулоим, ингичка бўлса бундай кишининг барфеъли ва одатлари яхши бўлади.

Қимми билан сўзлаган киши такаббур бўлади. Хунук овозли киши аҳмоқ бўлади. Мулоим ва секин сўзлайдиган киши оқил ва доно бўлади. Тез гапирадиган одамнинг ҳулиқи яхши бўлмайди. Сўзлаганда қўли билан

ишорат қилиб турган киши зийрак ва фаросатли бўлади.
«Қиёфа илми» китобидан

БАЛИҚ ҲАҚИДА

Балиқни танлаш гўшт танлашдан осонроқ. Унинг асосан ойқулоғи оч қизил ранг, кўзлари дўмбоқ ва тиник, гўшти зич ва эластик бўлишига эътибор беринг. Бироқ эскирган балиқнинг ойқулоғи пушти ранг ва кўзлари салгина чўккан бўлади. Балиқ тутилган заҳоти музлатилган бўлса, яхши эригандан сўнг ҳам гўшти зич бўлади.

Балиқни яхидан тушириш учун фақат совуқ сувга солиб қўйинг. Балиқ гўштидаги минерал моддалар сувга чиқиб нобуд бўлмаслиги учун, сувга [1 литрга 7-10 г] ош тузи солинг.

Балиқнинг пишган-пишмаганлигини гўштира гугурт чўли тикчи кўриб бйлса бўлади, чўп осонликча тешиб ўтса балиқ пишган ҳисобланади.

Пиширилган балиқни ҳатто музлат-

ғичда ҳам бир-икки кундан ортиқ сақламанг.

КАРТОШКА ҲАҚИДА

Картошка, лавлаги, сабзи, пиёз, қарам тахта яшиқларга алоҳида-алоҳида солиб қўйилса, узоқ вақт маҳсулотнинг сифатини бузмай сақлашга имкон беради.

Пўстини арчмасдан, қайнатиб пишириладиган картошка эзилиб кетмасин десангиз, бир озгина туз ташланг.

Қовурилган картошка кирсиллайдиган бўлиши учун пўстини арчиб, совуқ сувга чайиш, кейин сочиққа ўраб қўйиб қурийтиш, шундан кейингина яхши доғ қилинган ёғда қовуриш лозим.

Дилбар тайёрлади.

Дераза

АЛКАШЛАР ГАЗЕТИ

Самарада «Самара алкаши» номли газет чиқа бошлади. Янги нашр ичувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишни, ичиш маданиятини тарғиб қилишни ҳамда савдода спиртли ичимликларни тартибга олишга қарши курашни ўзининг мақсади деб эълон қилди. Газетнинг биринчи сониди ичувчиларга фойдали маслаҳатлар берилган. Масалан, хушроҳнада ўзни қандай тутиш керак. Энг қийин вазиятларда қаерга мурожаат қилиш керак... ва ҳоказолар ҳақида алкашлар учун қимматли йўл-йўриқлар кўрсатилган.

ЭР-ХОТИННИНГ УРУШИ...

Эски Кримлик бир жанобнинг хоними билан оилавий можароси узоқ вақт давом этди. Эр жанжалга чек қўйишнинг ўзига хос усулини қўллади: чўнтагидан граната чиқариб, унинг чегасини суғирди-да, хотиннинг оёғи остига улоқтирди. Гумбурлаб портлаш содир бўлди. Бироқ, хоним ва унинг ёнидаги қариндошларининг эти ҳам тирналмади, эр кўп жабр чекди.

ЖОНИГА ТЕГДИ

Урусиянинг Канск шаҳрида яшовчи фуқаро фирт маст уйга қайтди ва одатдагидек аёлини дўппослашга чоғланди. Бироқ шўрлик хотин ҳам жонидан тўйиб турган эканми, эрини ғиппа бўғиб, бешинчи қаватдан ташлаб юборди. Бечора эр тил тортмай ўлди, аёли эса икки болани тарбиялаётганлигини ҳисобга олиб, ҳеч қаерга кетмаслик шартли билан қўйиб юборишди.

«ТҮЛИҚ» ОИЛАНИНГ ФАЙЗИ

Амриқолик мутахассислар олий мактаб талабаларининг ўқишда ютуқларга эришиши учун нималар қилиш лозим деган мазмунда ота-оналарга ҳар хил сўровлар билан мурожаат қилдилар. Сўров натижаларидан шу нарса маълум бўлдики, 81 фоиз ота-она фарзандининг келажакда эришадиган ютуқлари учун яхши маълумот олиши зарурлиги таъкидлаган. 79 фоизи оила мустаҳкам бўлса ҳам талаба истаган нарсасига эришиши мумкин деб ҳисоблайди. Уларнинг аёло ўқиши ва ташкилотчилик сифатлари билан «ким бу ким» рўйхатига тиркалган 78 фоиз талаба аъъанавий «тулиқ» оилада, яъни ота-оналари билан бирга яшашар экан.

МАТБУОТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ

Оила

34 ЕШДА

Сарвқомат, кўркам ҳулқли қиз бола, Тошкентлик ота-онаси билан бирга яшайди. уй ишларида ўқувли, касби ўқитувчи. Виждонан пок, кунгли очик (илгари уйланган бўлса ҳам майли) олий маълумотли, тошкентлик 35-40 ёшлардаги жаноб билан учрашиб, бахтли оила қуриш истагида. «Оила-238».

32 ЕШДА

Сирдарёлик, турмушга чиқмаган, олий маълумотли ўқитувчи, бичиш-тикмиш, уй-рўзгор ишларини жон-дилдан севиб бажарадиган пазанда қиз ўзига муносиб /бир икки фарзандли бўлса ҳам майли / 35-45 ёшда бўлган, оилaparвар киши билан турмуш қуриш ниятида. «Оила-239».

58 ЕШДА

Бекободликман. Хотиним ҳудо раҳматлик вафот этган. Ёлғиз яшайдан чарчадим. Сиз азизлар менга ёрдам. Масизлар деган умиддаман. Узим тўғримда қисқача маълумот: 3 та фарзандим бор, улар ҳаммаси уйли-жойли. 14 сотиҳли ҳовли-жойим, телефон, «жигули» автомашинам бор. Агар 40-55 ёшли бефарзанд қишлоқ аёллари Сизларга мурожаат қилса менга, «Оила 240»га хабар қилишларингизни сўрайман.



Х. МАМАТҚУЛОВ сурати

Табриклаймиз!

Азиз ва меҳрибон онажонимиз Бўригул ЭРНАЗАРОВА! Таваллуд айёмингиз билан қутлаймиз. Бахтимизга соғ-омон бўлиб, набираларингизни эркалаб юринг. Оллоҳ сизга мададкор бўлсин деб ФАРЗАНДЛАРИНИГИЗ, Шаҳрисабз, Сахсонкапа қишлоғи.



Мухтарам волидамиз САНОБАРХОН ҳамда падари бузрукворимиз РАҲИМЖОН АБДУЖАББОРОВларни яқин кунлар ичида кириб келадиган таваллуд кунлари билан чин юракдан қутлаймиз. Доимо соғ-омон бўлиб, фарзандлари бахт-иқболини кўрсинлар. Қизингиз БАРНО. Тошкент шаҳри, «Аллон» маҳалласи.

ҳорни қарши олишингиз билан қутлаймиз. Сизга чинор умридек узоқ умр ва соғлиқ-саломатлик тилаб қоламиз. Доимо юзингиздан табассум аримасин. Набираларингиз АСИЛБЕК, ДИЛФУЗА. Дўстлик тумани.



Тошкент Давлат Дорилфунуни, Ўзбек филологияси факултетининг 5-курс толиби СОҲИБ КАМОЛ 8-сентябрда 25 ёшга тўлади. Дўстимиз Соҳиб, Сизни муборак айёмингиз билан табриқлаймиз. Бахт сизга ҳамиша ҳамроҳ бўлсин. Армон қўчасидан ў-

моқ Сизга армон бўлиб, илҳом париси ҳеч қачон тарк этмасин. Оллоҳ ёр бўлсин, деб камоли эҳтиром ила дўстларингиз Иброҳим БАРОТ, Абдулла УРОЗОВ, Лола ҚУДРАТОВА, Зоир БУХОРИЙ.

Она сўзи нақадар азиз, Шу сўз тилга олинса гўё Тебранади осмону замин, Тебранади ҳаттоки дунё. Азиз волидам, меҳрибоним Сиз борки менга ҳаёт бор. Сизнинг дуоингиз менга дорилфунун талабаси бўлишни nasib этди. Яна нур устига аёло нур, яқин кунлар ичида таваллуд кунингиз. Шу муносабат билан Сизни севимли газетимиз «Оила ва жамият» орқали олам-олам шодликлар тилаб табриқлайман. Доимо соғ-омон бўлинг, қизингиз ЗАРАФШОН. Қорақалпоғистон, Элкикқалъа тумани, Гулдуреун қишлоғи.

Қимматли биродари азизим НИЗОМИДДИН РАҲМОНҚУЛ ўғли!

Сизни 30-август таваллуд кунингиз билан сажимий қутлаймиз. Сизга дунёдаги энг эзгу тилақлар: бахт, тинчлик ва саломатлик ёр бўлишини тилайман. Яратгандан сизнинг дуойи жонингизни сўраб қолувчи сингиларингиз САБОҲАТ РАҲМОНҚУЛ қизи ва МЕҲРИБОН.

Табрик эълонининг ҳар бир белгиси (ҳарфи) 4 сўм. Битта расм (6×9 см, ҳажмида бўлиши шарт) 1000 сўм. Табриқлар бир ой муддат ичида чиқарилади. 10 кунлик муддат билан берилса, 2 баравар қимматлашади. Танишув эълонининг баҳо-си 400 сўм.

Қўрматли аяжонимиз ХИСЛАТЖОН ҳамда акамиз МАҚСАДЖОН! Туғилган кунларингиз билан табриқлаймиз. Сизларга узоқ умр, бахт-саодат, оилавий тотувлик тилаймиз. Оиламиз бахтига доимо соғ-саломат, ўйнаб-қилиб юриңлар. Қизингиз ХУРШИДА.

Азиз бувижоним СУЙМАХОЛ ая! Сизнинг табаррук 85 ба-

ҚўЛДАН БЕРГАНГА ҚУШ ТҮЯРМИ?

Тахририятга Пскентдан шикоят хати келди. Йўқ, унда кўйди-чиқди ёхуд болаларни ташлаб кетган бевафо ота ҳақида сўз бормайди. Балки кўпчилигимиз унчалик эътибор бермай, «умумий» деб ҳисоблайдиган Сув муаммоси хусусида кўйиниб ёзилганди: «Қишлоғимизнинг ер ости, ер усти сувлари заҳарланган, ичиб бўлмади қолди. Бизлар истеъмол қилаётган сувнинг таркиби текшириб кўрилган, лекин ҳулосасидан бизлар беҳабармиз. Кўп маҳкамаларга ёздик. Натижа йўқ. Охири сизларга ёзаялми?»

У ёғини келтирмадики. Чунки ҳатта бутун тўрт қишлоқни ташвишга солаётган Сув муаммоси ҳақида сўз боради. Уйлаб қолдик. Нима қилсак экан? Бизгача бу масала билан жуда кўп нуфузли маҳкамалар шуғулланган. Лекин ҳеч қандай натижа йўқ. Мақтубда ёзилганларни бемалол газетда эълон қилиб юборверсак ҳам бўларди. Бироқ, бу билан ҳеч нарса ўзгармаслиги, икки ўртада яна «ёлгон қоғозлар» воситачилик қилиши ҳаммамизга беш қўлдек аён. Шунинг учун, аввало, Пскентдаги ташвишли аҳолини ўз кўзимиз билан кўриб, кейин сўз айтмоққа уриндик.

Мақтубни Муротали қишлоғида яшовчилар битганлари учун тўғри шу ёққа бордик. Аини туш маҳали 700 нафардан кўпроқ ўқувчилар ўқийдиган мактабга кирдик. Бу муқаддас даргоҳда муроталиликларнинг болалари таълим олади. Афсуски, бутун бошли мактабда бир қултум тоза ичимлик суви йўқлигидан, болалар мактаб сумкаси билан биргаликда махсус шиша идишларда уларидан сув олиб келиб ичиб туришаркан. Муаллимлар билан гаплашиб ўти-

рибмиз, Уларнинг кўнглиларига ҳеч нарса сиғмайди. Қандай сизсин. Йрачақа тошган бир неча ўнаб болани ўз кўзлари билан ҳар кунни кўриб турса. Ҳаммаси мана шу зарарланган сувнинг оқибати.

Тўғриси, шу мактаб бошланғич кабаба уюшмаси раиси Саодат Раҳимованинг «бир ҳафтадан бери ичимлик суви келмаяпти. Уч болам экзема билан хасталанган. Айтсам ишонмайсиз, кеча қўшимдан бир чойнак сув қарз олдим» деганини эшитиб ёқа ушладик.

Узимизча мулоҳаза қиламиз: «Нима гап, нега одамлар бунча сув-сув дея зорланишяпти». Шу вақтгача аҳоли сувини қандай ичиб келган экан? Саволлар туғилаверади.

Биз билан учрашган қишлоқ аҳли ифлосланиб, ичишга яроқсиз сувини ҳатто саломатликка зарар етказяётганига Олмалик кон-металлургия комбинатининг сув дамбасидан сизиб чиқаётган заҳарли қиқинди сувлари сабаб бўлаётганини айтишди.

Далилларга мурожаат қиламиз: Сувнинг заҳарлангани кўриниб турибди. Оддий аҳоли учун ўтказилган водопроводлардан тиниқ, зилол сув оқиб турибди. Агар шу сувдан бир ҳўплам ичсангиз бўғзингизни ачиштириб, ёндириб кетади. Пиёлага олиб кўрилас усти қўйқаланиб, қорайиб қолади. Икки йил бўлди. Тиббий жиҳатдан бу сувлардан ичиш умуман мумкин эмас деб тамбалаган. Қанчалик чуқурликдан қазиб кўрилмасин, барибир, сув заҳарли. Чунки ўша завод қўйисида жойлашган бу қишлоқлар ерларига сув шимилмай қайга шимиллади.

Пскент туманида жойлашган Навой, Ўзбекистон мустақиллиги, Қирқ-

қиз, XX партсъезд жамоа ҳўжаликлари аҳолисини қийнаётган, азоблантираётган ана шу ичимлик суви масаласи шу йилнинг май ойида нуфузли йиғинлардан бирида ҳам муҳокама қилинган экан. Ҳўжалик раиси Мирзали Халилов бу ҳақда шундай дейди: «Мен сўзга чиқиб, йиғилганларни бу жиддий аҳволдан огоҳ қилдим ва қандай бўлса-да, ёрдам беришларини сўрадим. Чунки кўз ўнгимизда моллар шу сув оқибатиде жигарбағрилари кўриб ўляпти, одамлар касалланиб боряпти. Сувнинг заҳарланиб, ичишга мутлақо яроқсиз бўлиб қолганини шу пайтгача кўплар тан олмади. Энди эса зудлик билан чоралар кўрилмаса аҳоли ўртасида ҳар хил юқумли касалликлар кўпайиб кетяверади. Биз сувини беркитиб ташломаймиз. Сабаби, халққа ташиб сув етказоламаямиз. Халқнинг эса мол-ҳоли, кир-чир бор. Фақат ичишга одам бошига 5 литрдан тарқатамиз. Қолган мол-ҳол, кир-чир шу сувдан. Қолаверса, болаларни ушлаб туролмайсиз-ку кўчада оқиб ётган сувдан ичади... Мана ҳозир бу қишлоқларга Оҳангарондан қувурлар орқали тоза ичимлик суви олиб келиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқишга киришилди. Бу ҳаливери амалга ошадиган тадбир эмас. Чунки бу режаларни 1995 йилгача амалга ошириш мўлжалланган. Лекин унғача одамлар нимани ичишди?»

Бу масала кўтарилган пайти, Олмалик кон-металлургия комбинати директори А. Сигедин жаноблири ўз хатоларини оқлаш учун аҳолига ташиб бериладиган сув ва унга кетадиган барча сарф-ҳаражатларни бўйинга олганди ҳам. Афсус, ваъда ваъдалигича қолиб кетди. Мана,

энди эга йўқ. Узимиз сарсон-саргардонмиз. Битта мисол: шу йилнинг уч ойида сув ташиб келиш учун 2 миллион 519 минг 777 сўм сарфладик. Биз раиснинг гапларига қўшимча қилолмадик. Боиси, бу ташвишлар орасида кўйиб-пишиб юрғақ одам ёлгон гапирмагандир?

Қишлоқ одамлари гап орасида ҳам ҳазил, ҳам аччиқ киноя аралаш «синглим ҳеч эшитганмисиз, қўлдан берганга қуш тўярми? Майли, биз ўз ҳисобимиздан бўлсаям пул йиғамиз. Ахир юқорида айтилган Оҳангароннинг суви 1995 йилгача олиб келинса, унғача бизлар қандай яшаймиз?» дейишди. «Сув заҳарланиб бўлганлиги рост. Унға қўшилиб ер ҳам. Фосфат кислотаси ва азоти кўпайиб кетган. Оҳангарондан сув олиб келамиз деб бизларни овутиргунча, дамбадан оқиб чиқаётган заҳарли сувларни тўхтатишини».

(И. Исмоилов, биология фани муаллими)

«Мен ўзим шаҳарда тураман. Шифокорман. Ота-онам, қариндош-уруғларим шу ерда, тез-тез келиб тураман. Ҳар келганда жондошларим, қондошларим, юрдошларимни кўриб ичиб ачибди. Ахир одамлар касалланипти. Бу фожиа эмасми...»

Сўнги сўзни ким айтди? Мушкул савол. Ҳеч ким жавоб беролмайди ҳам. Чунки...

Шунинг учун бу мақоламизга нуқта қўйсак ҳам бўларди. Сезиб турибмиз бу муаммо битта газет муҳбирининг аралашуви ила ҳал бўлиб қолмайди. Қийин. Лекин сал кам йигирма минга яқин аҳолининг дардини тушуниш, уларни ҳалокат ёқасидан олиб қолшга ёрдамлашмоқ керак.

Сувини ҳаётга қиёс қиламиз. Бир кун сувсиз яшамоқни тасаввур қилинг-чи? Э, қўяверинг...

Битта илжингимиз, энди мутасадди раҳбарлардан.

Дилбар РАҲИМ қизи

Усмирлик пайтларим катта ёшдаги қишлоқнинг даврасида кўп бўлардим. Ушандай давраларнинг бирида ёши элликлардан ошган камгапроқ одамни кўп учратардим. Лекин у кўпчиликдан ҳаммиса тортингандай турар, гапга кам аралашар, ҳамроҳлари ҳам, айниқса, кўп қулги қилишарди. Кейин билсам, у кишининг уч нафаргина фарзанди бор экан, холос. Мен ва тенгдошларим учун бу ғалати туоларди, ёши бир жойга бориб қолган одамда наҳот учтагина фарзанд бўлса, деб ўйлардик (аввало Худо бераридан қисмасин). Чунки ўзбекмиз-да, одамнинг боласи ҳеч йўқ беш-олтитадан кам бўлмайди, дея тасаввур қилардик. Бояги кишининг катталар ўртасида қисиниб туриши, камгаплиги фарзандлари озлигидан эди, наздимда. Нега десангиз, биз болалар билан ёлғиз қолганда у киши шунақам гапларни гапирардики... Шунинг учун мен ҳатто ўша одамга ачинардим ҳам. Албатта, ҳозир юқоридагидек фикр юритмайман, фақат сизга халқимиз нақадар болажон бўлганлигини (ҳозирги кунда бу бироз сўсайган) эслатмоқчиман, холос...

Ҳақиқатда катта бир йиғинда бутун бир туманининг бош врач мианбарга чиқиб, ўтирганлар асосан ёш келин-кўвлар бўлишига қарамай, шунақам ҳижолатли гапларни гапирдики, ҳатто жаҳлингиз чиқади. У интим муносабатларда шу пайтгача уялиб келганимизни айтиб, энди эса уялмасликка қақирди. Эр-хотин ўртасидаги

интим муносабатлар, ҳомиланнинг олдини олишнинг замонавий ва оддий йўллари, э қўйингки, у киши айтмаган ҳеч нарса қолмади. Бечора келинчақлар бошларини кўтаролмай қолишди, денг. Кап-катта эркак киши ўша гапларни ипидан-игнасиғача айтиб ўтирибди...

Йўқ, биродарлар, шу пайтгача бу соҳада уялиб келдик, бундан кейин ҳам уялаверайлик, илло орамиздан

осилиб тушган дўхтир тўлғоқ азобини билармикин? Ахир оналаримиз ҳар боласини ўлим билан юзма-юз бўлиб дунёга келтирмайдиларми? Энди ўша ўн тўрт марта ўлиб тирилган, ҳатто Оллоҳнинг буюк жаннати ҳам овғи остида бўлган она бўйинбоғиғина чиройли бир маданиятсиз зотга мазаҳ бўлдимми?! Майли, кам туғишни тарғиб қилсин, лекин бунинг учун киминдир ҳақоратлаш

дий қийинчилик даврида кўпбололик яхши эмаслигини гапиршадди. Ахир ўнғалаб фарзанди бор бўлиб ҳам бой-бадавлат яшяётган оилалар оми Ватанимизда? Топиш-туттиш одамнинг ўзига боғлиқ эмасми?

Хуллас, ушбуни жуда куюниб ёздим, мабодо ғалати-роқ бўлса, маъзур тутгайсиз, муҳтарам ватандошлар! Келинг, яхшиси, Овруподан

келган шу бўлар-бўлмас гапларни ҳадеб чайнайвермайлик. Ув, белида белбоғи бор азамат биродарларим, чек қўяйлик энди шу гапларга! Нечта фарзанд кўриш аввало Худодан, қолаверса, ҳар, бир оиланинг ўз иши бўлиб қолсин! Тагин билмадим-у...

Наби ЖАЛОЛИДДИН

«ТУҒИШНИ ЎРГАТМАНГ АЁЛ ЗОТИГА!»

парда кўтарилмасин. Ахир ота-боболаримиз бунақа гапларни умуман кўчага олиб чиқишмаган, бизлар эса минбардан туриб гапиршга ҳам уялмаямиз. Ҳозирги кунда ҳам аёлларимизга яқка ҳолда маслаҳатлар берадиган гинеколог врачлар бор-ку ахир. Нима, шу гапларни минбарга олиб чиқиш шартми?!

Бу ҳам майли-я, ўша бош врачнинг кўплаб ногирон болаларнинг туғилиши серфарзандликдан эканлигини айтиши ва ўн тўрт ҳамда ўн икки нафар фарзанд ўстирган икки онанинг исми шарифи-ю, яшаш манзилини айтиб, «кимга керак шунча бола?» дея масҳара қилгани ошиб тушди. Уша осмондан

шартми? Ахир, ҳатто шўро даврида ҳам серфарзанд оналарга юзакми бўлса-да «Қахрамон она» деган унвоилар берилган-ку. Мустақиллигимизнинг салобатига боғидек бачкана дўхтирлар соя солмайди? Ногирон болаларнинг кўп туғилишига серфарзандлик сабаб эмиш. Ҳой, биродар, яна Худо биланди-ю соғлом бола кўриш учун аввало ичмаслик керак дегин, Исмоий никоҳланиб, (кечирасизу) яқинликдан олдин «бисмилло» дейиш керак де. Бор ана, ҳар фарзанд орасидаги муддат 2,5-3 йил бўлишини гапир, бу энди бошқа гап...

Кўпчилик ҳозирги иқтисо-



Тўғриси, Тўлқин ахани анча «овладик». Гоҳида ишлари кўп, гоҳ вақтлари йўқ, гоҳида... Ҳар сафар у киши билан хабарлашиб, муштарийлар учун суҳбат беришларини сўраганимда бир лаҳза жимликдан сўнг «қандай бўларкин-а» деган гапни тилга олардилар. Бу гап оҳангида ниҳадир пинҳон эди. Кўнгириқ қилавериб ҳоли жонларига қўймагач, «газетагаям,

— Орзуингиз қандай рўёбга чиққан! Кинодаги биринчи ролингиз! — Илмгоҳда ўқиб юрган кезларим. Бир кун киностудия ҳовлисида Комил Ерматов мени қўриб қолиб, қонналарига олиб кириб, суриштирдилар. Кимлигини айтдим. Кейин синемоқчи бўлдиларми, «Ёнгин бўляпти, қочиб жараёнини кўрсатиб бер» дедилар. Озгина ўйлаб, рол ижро этишга ки-

дихон Табибуллаев билан бир сахнада ўйнадим. Армен Жигарханян, Олег Стрелёнов, Лев Дуровлар билан кино сахнасида ишлаганимдан хурсандиман.
— Сизнингча, бахт нима!
— Бахти... бахт—ийсоният яратилгандан буюн юрак тўрида аллаланган танқис орзу. Шундай аллаланган бахтли актёр деб ҳисоблайман ўзим-

тоза, эсли-хушли, уй тутиш, овқат пишириш, меҳмон кутишни жойига қўйдилар. Ишдан қайтганимда ширин сўз билан кутиб олинганимдан ортиқ бахт борми? Сафарларда юрган чоғларим уйга талпиниб юраман. Кўнгли сокин кишигина уйига талпинади. Кўнгли сокинлиги эса оила фаровонлигига боғлиқ. Худойим яхши кунларинг бу ёқда деган экан. Эллик саккиз йиллик умримда «онасини қўриб қизини ол», «етти пуштини суриштир» каби мақолларнинг бежири айтилмаганлигига имон келтирдим. Еш ўтган сайин буларни тушуниб борар экансан. Рафиқам санъатни жуда яхши кўрадилар. 1983 йили «Отелло»да Яго ролини, «Ревизор»даги Хлестаков ролини ижро этишимда кўп ёрдам берди.

БАХТ—ЮРАК ТУБИДА АЛЛАЛАНГАН ОРЗУ

телевизоргаям бирор марта суҳбат берган эмасман, ёмон кўраман... сиз ҳам қўяверингиз», дедилар. Ҳамма нарса аён бўлди. Уша гаплардаги пинҳоний оҳанг — каттарлик эди. Қисқаса қўярда-қўймай суҳбатга розиликларини олдим. Мириқиб гурунглашдик. Суҳбатнинг қаймоғини қўйида ўқийшингиз мумкин.

— Тўлқин ака, суҳбатимизни анъанавий савол билан бошламоқчиман. Негаки, муҳлисларингиз сизни кино, театр, радио орқали билишса-да, шахсий ҳаётингиз ҳақида умуман тасаввурга эга эмаслар. Узингиз ҳақингизда икки оғиз...

— Тошкентда 1936 йил 13 апрелда туғилганман. Ўзимиз ҳам асли тошкентликмиз. Актёр Жўра Тожиевни биласиз — шу кишининг ўғиллари бўламан. Тошкент театр ва расмочилик илмгоҳининг актёрлик бўлимининг тугатганман. Оилада икки ўғилмиз. Анваржон ҳам санъат соҳасида овоз соловчи бўлиб ишлаётди.

— Актёрликка эдангиз орқали кириб келган экансиз-да!

— Ҳа, қондан ўтган бўлса керак. Болалигимда кечқурунлари «Ҳамза» театрига адамга овқат олиб борардим. Шу тарихида сахна ортидан бўлса ҳам актёрлар жамоасига аралашиб юрганман. Бир воқеа ўша даврларимни домим эслатиб туради. «Она» деган спектаклда адам ўзбек аскарари ролларида ўйнаганлар. Унда немис аскарари адамни кучук билан қувган сахна бор. Тасаввур қилинг, сахнада адамнинг ортидан фашист ити билан келяпти. Томошбинларнинг орасидан сакраб турганимни қичқирганман: «Ада-ада, қочинг! Немис келяпти».

Тўлқин ака сахнани ўзлари ижро этиб бердилар. Роса кулишдик. Бу актёр ижодини кинода бошлаган бўлса керак деб ўйлардим. Чунки ҳамма қизиқиб кўрадиган, такрор кўрсатишсаям яна томоша қиладиган «Маҳаллада дув-дув гап» филмида Тўлқин ака жуда ёш эдилар.

— Ижодим дубляжда бошланган. 1947 йили кинорежиссёр Б. Ҳайдаров дубляжга чақирдилар. Ҳозирги «Ҳамза» театрининг ўрнида «Родина» деган кинотеатр бўларди. 11 ёшда эдим. Трамвай тўхтагунча шу ерда Суръат Пулатов, медицина соҳасида профессор Нусрат Абдуллаев, Дамир Шокиров (тенгдошим, раҳматли кучли радиорежиссёр эди). Уша пайтлари Дамир Ленинни ўйнаса, мен Сталини ўйнасам дердим. Унинг овозини ўхшатишга ҳаракат қилардим. Кинога тушиш биз — болаларнинг орзуинимиз эди.

ришдим, ҳамма ёқни тақир-туқур қилиб эшикдан чиқиб қочдим. Кейин «Абу Али ибн Сино» кинофилмидаги Журжоний ролига синовга тақлиф қилдилар. Синовда Ҳамза Умаров ва Шораҳим Азимов бор эди. Насиб этган экан, Журжоний ролига синовдан мен ўтдим. Бу 1955 йилнинг воқеаси...

Шу тарихида «Маҳаллада дув-дув гап», «Ҳаёт сенинг қўлингизда», (ленфильм), «Қора саҳроларда» (ленфильм), «Уни баҳор деб атайдилар» (ленфильм), «Алангали йиллар» кинофилмларида қатор роллар яралди. Тўлқин ака шу яқин кунларда, яъни 1991 йили «Инсон» студияси Ройzman режиссёрлигида «Қарақлик-2» филмида мафия бошлиғи ролини ижро этди. Яқинда бу филм «Останкино» ойнаи жаҳонни орқали намойиш қилинди.

— Дубляж ҳақида яна бир савол. Сиз овоз берадиган актёрлар ўзингизга ўхшашдек туюлди. Ухшашини танлайсизларми!

— Йўқ, дубляж яхши чиқса шундай ўйлайсиз, холос. Машҳур рус актёри Ролан Биков бир кунги ўзи ўйнаган кинонинг («Икки ўртоқ хизматда») ўзбекчасини кўраётим, «Мен ўзимга шунчалик овоз бера олмайдман, ўзбекча гапириб юрган одамдайман», деган экан. Бунинг сирлари бор алабатта.

— Бу сирини, яна ким билади!

— Раҳматли Ҳамза ака Умаров икковимиз. Биласизми, актёрнинг ўзига хос кулгуси, йўталиши, қийқиқлари, юмори бўлади. Биз улардаги мана шу бўёқ ва оҳанглари излардик. Масалан, Станислав Любшин («Қилич ва қалқон», Йогон Вайс), Леонид Куралёв («Иван Василевич касбини ўзгартиради», Милославский), Дхармендра Ижро этган Ҳиндистон филмларидаги роллар. Бу катта-катта актёрларнинг юқорида санаганимиз, ўзларига хос жиҳатлари. Биз уларни ўзлариникидай қилиб ўтказиб юборардик. Дубляж жуда яхши чиқарди.

— Нечта филмга овоз бергансиз!
— Санаган эмасман. Икки мингдан оша керак.

— Энг яхши кўрган актёрингиз ким!

— Шукур ака Бурхонов. Мен у кишининг нафақат буюк актёрлигини, балки инсонийлиги, камтарлигини яхши кўрардим. Уз ишига муносабати жуда кучли эди. Тепада Оллоҳгаям яхши одамлар, буюк актёрлар керак эканми, у кишига тўямасимиздан олиб кетиб қолди. Мен ўзимни бахтли актёр деб биламан. Бахтлиманки, Абдор Ҳидоятлов, Шукур Бурхонов, Олим Ҳўжаев, Обид Жалилов, Саб-

ни.
— Тўлқин ака, анча пайтгача радиода «Қармоқ» сатирик эшиттиришини ҳам олиб бордингиз. Ундаги фелетонларни сиз ёзмасдингиз, албатта. Лекин тушунмайдиганлар қанча! Ҳеч ким сизни дўғламаганми бунинг учун.
— Нимасини айтасиз. Уйимгаям келишган, телефон орқали қўрқитмоқчиём бўлишган. Бу эшиттириш баҳона ўзимнинг дардларимни ҳам айтиб олардим. Уларга таъсири бўлган экан, демек ёмон ижро этмаган эканмиз.

Тўлқин ака, «Табассум»ни Амин Турдиев, Наби Раҳимов ва бошқа бир қанча актёрлар билан олиб боргани, олиб бораётгани, бундан ташқари қатнашган тадбирларини санаб ўтди. Жумладан, Осиё, Африка ва Латин Америкасининг кинофестивалида, Маскводаги байрамларда қилди усталари Хазанов ва Петросян, Любов Палишуклар билан бирга концерт олиб боргани, яъни «Кремл сахнаси» борганини ҳам сўзлаб берди.

Гапни шахсий ҳаёт, бола-чақага бурдим. Аксарият машҳур актёрларнинг оилавий ҳаёти мураккаб бўлади одагда. Бу мураккаблик Тўлқин аканинг бошларини ҳам ўтган экан... Тўлқин ака Ҳамлетнинг сўзларини эслатди.

— «Арава издан чиқди, уни изига солмоқ менинг ҳиссамга тушди».

Уни изга солиш учун янги оила қурилди, янги ҳаёт бошланди. Кишимиз Чаросхон тўғилди, рафиқам Манзураҳон асли иқтисодчи, ҳозир уйда фарзандимиз тарбияси билан машғуллар. Нолишга ҳаққим йўқ, насли

— Ойлага энг аввало нима зарур, сизнингча!

— Тотувлик зарур. Оиланинг нақшинигори жимжимадор ашёларда эмас. Бу худди гул қуёшдан баҳраманд бўлганидай, инсон меҳр-муҳаббат баҳраманд бўлади. Мен баркамол инсонларга, ҳам ўз оиламга ҳам гулдай нафосат, қуёшдай қайноқ меҳр тилаб қоламан.

— Ойлави ҳаётингизда ва актёрлик фаолиятингизда қандай орзуларингиз бор!

— Буюк актёр Лауренс Оливье «Ҳамлетни 50 ёшдан ўтган актёргина ўйнай олиши мумкин» деганди. Ҳамлетни ўйнаш орзум эди. Лекин энди вақт ўтди... Киноларга ролга тақлиф этишса бажонидил борардим. Шахсий ҳаётимда эса қизимиз Чаросхоннинг тўйини кўрсам, неварани кўриб бағримга олиб эркаласам дейман. Ва бу бахтдан баҳраманд этишини Худойимдан сўраб юраман. Ҳозир боғ-роғ қиялпман. Ховлида нима экан «Чаросхон катта бўлганда ейди», «Чаросхонга... Чаросхонга» деб эканми. Богимизга яхши ният билан Сурхондарёдан хурмо ҳам келтириб экдим.

Тўлқин аканинг ҳали ниятлари кўп экан. Бу ниятлари болалар кўнгли каби покиза. Азиз муштарий, сиз ҳам буюн дастурхон устиди дуога қўл очиб, «Санъатимизнинг сермахшун ва камтарин ўғлони ҳам ниятига етсин», дея омин денг-да, юзингизга фотиҳа тортинг. Кўпнинг дуоси ижобат бўлади, ишшооллоҳ.

Ҳалим САЙИД суҳбатлашди



Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБОЙ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадахон ЕҚУБОВ, Фарҳод РЎЗИЕВ, Мухаббат ИБОДОВА, Юсуф ЗИЕД (бош муҳаррир ўринбосари), Ботир ЭРНАЗАР (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бахтиёр ЭГАМБЕРДИЕВ, Рўзимат САФОЕВ, Абсалом УСАНОВ, Урол ҲЎБЕК, Асқар АЛЛАБЕРДИЕВ, Абдумуталлиб РИЗОКУЛОВ, Мейли ЙУЛДОШЕВ.

Газетамиз ҳомийлари — Тошкентдаги СЭВИЖ тижорат жамияти, Муборак туманидаги «Хитой» давлат ҳўжалиги, Шаҳрисабз лиялкашлик фабрикаси, Сирдарё «Оқ олтин» дон маҳсулотлари корхонаси,

Таҳририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Оила ва жамиятдан деб кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ:

700029, Мустақиллик майдон, 1-бино. Телефон: 39-43-95.

Азиз АБДУВАЛИ навбатчилик қилди.

Обуна индекси 64654. Рўйхатга олиш № 33. Буюртма № F-557. 19469 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми, 2 босма табақ.